

Олимнинг вафоти



08:22 / 24.05.2020 1603

Робиъ айтади: «Халифанинг элчиси имом Шофеъийга Мисрда қозилик қилишни таклиф этиб келди. Имом Шофеъий: «Аллоҳим, агар бу ишнинг оқибати дунё ва диним учун хайрли бўлса, уни давомли қил. Йўқса, мени Ўзингга чорла», деб дуо қилди. Уч кун ўтиб, халифанинг элчиси эшикнинг олдида етиб келмасидан имом Шофеъий жон берди».

Робиъ айтади: «Тушимда Одам алайҳиссаломни кўрдим. Бунинг таъбири ҳақида сўраганимда: «Бу ер аҳлининг энг олими вафот топиши демакдир, чунки Аллоҳ таоло Одамга барча нарсаларнинг номини ўргатган», дейилди. Кўп ўтмай имом Шофеъий вафот этди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан